Стратегик ва минтақаларарo
КУТУБХОНАСИ
Ҳалқиқотлар институти

2006 ЙИЛ, 25 МАЙ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 99 (10.656) Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Немис иқтисодиётининг шарқий қўмитаси бошқаруви раиси Клаус Мангольд раҳбарлигидаги Германия Федератив Республикаси делегацияси кеча Сурхондарёга ташриф буюрди. Термиз шаҳрида германиялик меҳмонлар ҳамда вилоятдаги йирик саноат корхоналари, қўшма корхоналар, банк ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирокида бизнес- конференция ўтказилди.

●Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Элликқалъа туманининг маркази Бўстон шаҳрида «Барча миллат аёллари ва ёшлари жиноятчилик, терроризм ва гиёвандликка қарши» номли дўстлик форуми ташкил этилди. «Шу азиз Ватан — барчамизники!» шиори остида ўтган тадбирда Ватан, Истиқлол, ёшлик ҳақидаги жозибали қўшиқлар янгради.

●Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» Миллий кўргазмалар залида Эрон Ислом Республикасининг III ихтисослашган кўргазмаси очилди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси кўмагида ташкил этилган ушбу тадбир икки давлат ўртасидаги иқтисодий-маданий алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

●Соҳибқирон Амир Темур таваллуди муносабати билан Самарқанд шаҳрида Тошкент, Фарғона, Андижон, Урганч ва Самарқанд ҳарбий ва ҳуқуқий лицейларининг ўқувчилари ўртасида «Амир Темур авлодлари» республика ҳарбийлаштирилган спорт мусобақалари ўтказилди.

●Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳамда Конрад Аденауэр фонди ҳамкорлигида Тошкентда «Озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни назорат қилишни ташкиллаштириш доирасида жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш» мавзуида икки кунлик семинар бўлиб ўтди.

● Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳридаги «МосЯнтекс» Ўзбекистон —Россия қўшма корхонасининг маҳсулотлари тобора харидоргир бўлиб бормоқда. Қисқа фурсат ичида қўшма корхонада ишлаб чиқарилган 70 минг долларлик маҳсулот Россия Федерациясига экспорт қилинди.

●Тошкентда футзал бўйича ўтказилаётган VIII Осиё чемпионатининг гуруҳ учрашувлари кеча ўз ниҳоясига етди. Мамлакатимиз терма жамоаси хитойлик рақибларини 4:1 ҳисобида енгиб ярим финалга йўлланма олди. Эрон, Қирғизистон, Япония спортчилари ҳам шундай муваффақиятга эришишди.

ЖАҲОНДА

●Сербия Президенти Борис Тадич Черногория мустақиллиги борасида ўтказилган референдум натижаларини тан олишини билдирди.

●Ўтган куни Италия парламентининг Қуйи палатаси Романо Проди бошчилигидаги ҳукуматга нисбатан ишонч вотумини билдирди. Сал илгарироқ эса янги ҳукумат ва унинг раҳбарларини Юқори палата ҳам маъқуллаган эди. Шундай қилиб, Проди ҳукуматини 344 депутат ёқлаган бўлса, 268 киши қарши овоз берган. Янги Бош вазир ўз маърузасида Италия иқтисодиётини сезиларли даражада кўтаришга ваъда берган.

●Кўп йиллардан буён хорижий мамлакатларда яшириниб юрган Грузиянинг собиқ ички ишлар вазири, ҳозирда мухолифатдаги «Адолат» партиясининг етакчиси Игорь Гиоргадзе Москвага келди. Гиоргадзе иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида у Россия фуқароси бўлиш нияти борлигини билдирди.

●Кеча Қора денгиз тубидаги балчиқ ичидан ҳалокатга учраган А—320 аэробусининг иккинчи «қора қутиси» олиб чиқилди.

●Кеча Туркиянинг Истамбул шаҳри яқинидаги Отатурк номидаги аэропортнинг юк бўлимида кучли ёнғин чиқди. Ҳозирда аэропортда фаолият кўрсатаётган ўнлаб кишиларнинг тақдири номаълум бўлиб қолмоқда. Ёнғин натижасида фақат уч кишининг ҳаётдан кўз юмганлиги маълум бўлди. Ёнғин сабаблари аниқланмоқда.

●Бугун ХАМАС ҳаракати бошчилигидаги Фаластин мухторияти ҳукумати мухолиф ФАТХ партияси билан миллий музокараларнинг биринчи босқичини бошлайди. Мажлислар Рамоллоҳда мухторият етакчиси Маҳмуд Аббос раҳбарлигида, Газо минтақасида эса Бош вазир Исмоил Хония шафелигида бўлиб ўтади.

●Индонезияда инсон учун ўта хавфли бўлган парранда гриппининг H5N1 штаммининг одамдан одамга ўтиш ҳолати рўй берганлиги маълум қилинди. Айни пайтда шифокорлар бир оиланинг етти нафар аъзосининг парранда гриппи билан касалланиши сабабларини ўрганишмоқда. Айтиш керакки, мазкур оиланинг олти нафар аъзоси ҳаётдан кўз юмди. Халқаро экспертлардан ташкил топган гуруҳ оила яшаган ҳудуддан касалликка учраган бирорта ҳам паррандани топмаган.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 26 май куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 18-20, кундузи 31-33 даража иссиқ бўлади.

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

●**БУГУН** Ҳамза темир йўл касб-ҳунар коллежида ўқитувчилар, ўқувчилар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Миллий истиқлол ғояси: асосий, тушунча ва тамойиллар» деб номланди.

●**КЕЧА** Бектемир туманидаги «Роҳат» маҳалласида маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари, фаоллар маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчиларини сайлашди.

●**КЕЧА** Миробод туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорлигида аёлларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг долзарб масалаларига бағишланган тадбирда маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирок этишди.

●**КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманидаги «Олтинтепа—5» маҳалласида аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласига бағишлаб ўтказилган тадбир туман хотин-қизлар қўмитаси, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси, «Оила» маркази, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

●**КЕЧА** Сергели туманидаги «Дўстлик» маҳалласида «Камолот» ЁИҲ Сергели туман бўлими Кенгаши қошидаги «Маҳалла умидлари» маркази ташаббуси билан маҳалланинг ёшлари иштирокида уюштирилган давра суҳбати ёшлар орасида жиноятчилик ҳоллари содир этилишининг олдини олиш чораларига бағишланди.

●**КЕЧА** «Ўзбектелеком» очиқ акциядорлик жамиятининг «UZ NET» филиалида «Мустақиллик ва Конституция ҳимояси—ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз» мавзуида ўтказилган тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг Чилонзор туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.





МАКТАБЛАРДА СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ ЯНГРАДИ

БУГУН МАМЛАКАТИМИЗДАГИ БАРЧА МАКТАБЛАРДА ЎҚУВ ЙИЛИ ЯКУНЛАНИБ, СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ САДОЛАРИ ЯНГРАДИ. МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ, АЙНИҚСА БИТИРУВЧИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚАЛБЛАРИДА ҲАМ ЧЕКСИЗ ҲАЯЖОН, ҲАМ ҚУВОНЧ. НЕГАКИ УЛАР БУГУН КЎП ЙИЛЛИК МЕҲРИБОН ВА ҒАМХЎР УСТОЗЛАРИ, ҚАДРДОН МАКТАБЛАРИ, ЖОНАЖОН СИНФДОШЛАРИ БИЛАН ХАЙРЛАШАДИЛАР. ЭНДИ МУСТАҚИЛ ҲАЁТ ОСТОНАСИГА ҚАДАМ ҚЎЙИБ, ЎЗ ОРЗУ-МАҚСАДЛАРИ ТОМОН ИНТИЛИБ, КЎНГИЛЛАРИГА ТУГИБ ҚЎЙГАН КАСБГА ЭГА БЎЛИШ УЧУН КИМДИР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА, ЯНА КИМДИР КОЛЛЕЖ ВА ЛИЦЕЙЛАРГА КИРИБ ТАЪЛИМ ОЛИШ УМИДИДАЛАР.



Учтепа туманидаги 75-ўрта мактабда ҳам эрта тонгдан сўнгги қўнғироқ тадбирида мактабни битирувчи ўқувчилар, ўқитувчилар, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, туман халқ таълими бўлими вакиллари, маҳалла фаоллари ҳамда ота-оналар иштирок этдилар. Тадбирда шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Эргаш Маъдиев, Учтепа туман Оқсоқоллар Кенгаши ва маҳалла жамғармаси раиси Ҳайдарали Қораболаев сўзга чиқиб бу йилги мактаб битирувчиларига келгусида янада чуқур билим эгаллаб, олий ўқув юртларини битириб етук мутахассис бўлиб етишишларига тилак билдирдилар. Шундан сўнг мактабнинг 11- ва 9-синф битирувчилари азиз устозларига қарата дил сўзларини изҳор қилиб, миннатдорлик билдирар эканлар, мактабда олган билимлари, таълим берган устозлари меҳнати келгусида яхши самаралар беришини ишонч билан таъкидладилар. Мактабнинг 1-синфи жажжи ўғил-қизлари эса устозларга бағишланган шеър ва қувноқ қўшиқлари билан даврага янада файз киритишди. Битирувчилар болажонларга китоблар совға қилишди. Шодиёна байрам тусини олган тадбир якунида сўнгги қўнғироқ садоси янграб битирувчи ёшларга оқ йўл тилаган ҳолда оқ кабутарлар ва алвон ранг шарларни осмонга учиришди.

— Бугунги кунда мамлакатимиз равнақини юксалтиришда халқ таълими ходимлари зиммасига ҳар қачонгидан ҳам масъулиятли вазифалар юкланмоқда. Негаки ёшлар бизнинг келажагимиз,— дейди 75-мактаб директори Нафиса Акромова. — Ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш,уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш асосий бурчимиздир. Шуни фахр билан айтишим мумкинки, мактабимиз ўқувчилари орасида иқтидорли, билимли ўқувчилар сони ошиб бормоқда. 11-синф ўқувчиси Талъат Ғуломов куни кеча таэквондо бўйича жаҳон чемпионатида ғолиб бўлиб, олтин медалга сазовор бўлди. 10-синф ўқувчиси Мирзиёд Мирсаидов эса кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлди. Фан бўйича ўтказилган шаҳар олимпиадаларида эса мактабимиз ўқувчиси Бадиа Анварова она тили фанидан биринчи ўрин соҳиби бўлди. Шунингдек, ўқувчиларимиз «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг шаҳар босқичида баскетбол бўйича биринчи ўринга сазовор бўлишди. Албатта, шундай ютуқларни қўлга киритган,мактабимиз шарафини улуғлаб келаётган иқтидорли ўқувчиларимиз билан фахрланамиз.

Тадбир сўнгида битирувчи ёшлар дил сўзларини билдириб, келгусидаги мақсадлари ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашишди.

● Маҳмуда Аҳмаджонова, 9-синф битирувчиси: Мен ёшлигимдан шифокор бўлишни орзу қилганман.Қалбимда катта орзу-мақсадлар бисёр. Келажакда акушер-гинеколог бўлиб, оналар ва болалар саломатлигини сақлашда муносиб ҳисса қўшиш ниятидаман.

● Талъат Ғуломов, 11-синф битирувчиси: Мен келгусида спорт бўйича билимимни ошириб, ўз устимда кўпроқ ишлаб, спорт бўйича етук мутахассис бўлиб етишиш ва спорт соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритиб, Ўзбекистонимиз шаънини юксакларга кўтариш орзусидаман.

Қалби чексиз эзгу ниятларга лиммо лим тўлган битирувчи ёшларимизга биз ҳам оқ йўл тилаб, яхши ниятлар билдирамиз.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: Учтепа туманидаги 75-ўрта мактабда бўлиб ўтган сўнгги қўнғироқ тадбиридан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО

ТОШКЕНТДА «ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗОДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ» МАВЗУИДА ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ИШ БОШЛАДИ. УНИ ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ ҲАМДА РОССИЯНИНГ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЙИЧА ФЕДЕРАЛ АГЕНТЛИГИ ТАШКИЛ ЭТДИ.

Конференцияда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси олимлари ва мутахассислари, шу жумладан Ўзбекистон, Россия ва бошқа давлатларнинг фаолият кўрсатаётган электрон рақамли имзони (ЭРИ) рўйхатга олиш марказлари мутахассислари, Олий Мажлис, ҳукумат, вазирлик ва идоралар, вилоятлар ҳокимликлари вакиллари, тижорат банклари, молия ва кредит муассасалари, ахборот хавфсизлиги тизим ва воситалари ишлаб чиқарувчи телекоммуникация компаниялари ҳамда ахборотни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият олиб бораётган хорижий ташкилотлар раҳбар ва мутахассислари иштирок этмоқда.

Анжуман қатнашчилари электрон рақамли имзо, электрон ҳужжат айланиши ва ахборотни ҳимоя қилиш воситалари соҳасидаги компания ва ташкилотларнинг махсус кўргазмалари билан танишиш имконига эга бўлди.

Анжуман иши қуйидаги гуруҳлар бўйича олиб борилмоқда: ЭРИ калитларини рўйхатга олиш марказларининг аҳволи ва уларнинг инфратузилмасини шакллантириш муаммолари, ЭРИни рўйхатга олиш марказлари фаолиятининг техник муаммолари, электрон ҳужжат айланишида ЭРИдан фойдаланишнинг юридик муаммолари. Шунингдек, трансчегаравий халқаро электрон алоқа муаммолари ва очиқ калитлар инфратузилмасини ривожлантириш масалалари бўйича давра суҳбати ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Конференцияда электрон рақамли имзо янги технология эканлиги таъкидланди. ЭРИни жорий этиш ва қўллаш бўйича чоратадбирларни амалга оширишда ҳар бир мамлакат молиявий, техник, юридик ва ижтимоий муаммоларга дуч келади. Шу боис бу галги халқаро конференциядан кўзланган мақсад ЭРИдан фойдаланишнинг энг долзарб муаммоларини муҳокама қилиш ва тажриба алмашишдир.

Анжуман иштирокчилари электрон рақамли имзодан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари, янги технологиянинг ривожланиш йўналишлари, ЭРИни қўллаш тизимини шакллантиришнинг энг мақбул технологик услублари, ЭРИ воситаларини стандартлаш ва сертификатлаш муаммолари, электрон ҳужжат айланишининг халқаро тизимини ривожлантириш каби масалаларни муҳокама қилмоқда.

Маъруза ва чиқишларда таъкидландики, замонавий ахборот- коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши электрон ахборот алмашувига асосланган фаолият самарадорлигини оширишга ёрдам берди. Ҳужжат айланишининг электрон шакли ривожлангани сари электрон рақамли имзони ишлаб чиқиш ва қўллашга эҳтиёж туғилди. ЭРИ электрон ҳужжатни тасдиқлашда ўз қўли билан қўйган имзога тенг ва бу ҳужжатга ҳуқуқий мақом бера олади.

Ўзбекистонда 2003 йилда «Электрон рақамли имзо тўғрисида», 2004 йилда эса «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида» қонун қабул қилинган. Улар ЭРИни қўллаш ва электрон ҳужжат айланиши йўли билан юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни амалга ошириш учун ҳуқуқий асос яратди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги электрон рақамли имзо соҳасида давлатнинг ваколатли органи ҳисобланади. ЭРИ калитларини рўйхатга олиш марказлари фаолияти тартиби тўғрисида тегишли низом тасдиқланди. Ҳозирги вақтда ЭРИни қўллаш соҳасида қатор қонун ости ҳужжатлари, шу жумладан электрон рақамли имзо технологиясидан фойдаланишнинг миллий стандартлари ишлаб чиқилмоқда.

Электрон ҳужжат айланишида ЭРИдан фойдаланиш учун биринчи қадамлар ташланди: калитларни рўйхатга олиш марказлари фаолиятини тартибга солувчи махсус орган ташкил этилди, биринчи шундай марказ пайдо бўлди ва унга сертификат берилди.

Конференцияда электрон коммуникация ва электрон ҳужжат айланиши хизмат муносабатларининг ажралмас қисмига айлангани алоҳида қайд этилди. Бугун ҳеч бир замонавий компанияни электрон канцелярия, кадрларни бошқариш тизимлари, бухгалтерия, Интернетсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Бироқ, ҳозирча ҳужжат айланишининг ахборот тизимлари, одатда, битта компания доирасида чекланган. Бунга сабаб ахборот хавфсизлиги, турли тизимларнинг ўзаро алоқадорлиги билан боғлиқ масалаларнинг нисбатан заиф ишлаб чиқилгани ҳамда электрон ҳужжатлардан фойдаланишнинг қонунийлигини таъминлайдиган ҳуқуқий базанинг йўқлигидир.

Ахборотни ҳимоя қилиш ва электрон ҳужжатларнинг юридик аҳамиятини таъминлаш масалалари электрон шаклда молиявий фаолиятни амалга оширишда, айниқса Интернет тармоғидан фойдаланганда бирламчи аҳамият касб этади.

ЭРИни қўллаш доираси анча кенг: электрон савдо тизимлари, бюджетни бошқариш, телемедицина, туризм, патент соҳаси, бухгалтерия, тўлов тизимлари, логистика ва транспорт, ички ва ташқи ёзишмалар. Бу борада қанча вақт ва маблағ тежалишини эса айтмаса ҳам бўлади. Албатта, бу ўринда ахборот тегишли равишда муҳофаза қилиниши керак.

Анжуманда сўзга чиққанлар ҳар қандай лойиҳа учун зарур ҳуқуқий база, технологик имкониятлар (ривожланган инфратузилма, яхши ускуналар ва дастурий таъминот) ҳамда электрон технологияларнинг хавфсизлиги каби шартлар муҳимлигини таъкидладилар. ЭРИнинг фойдали экани равшан, унинг келажаги бор. Конференция қатнашчилари тасдиқловчи марказлар иш тажрибаси, ЭРИни қўллаш амалиёти ҳақида сўзлаб бердилар. Бугун очиқ калитларнинг миллий инфратузилмасидан - трансчегаравий халқаро электрон ҳамкорлик сари янги истиқбол пайдо бўлмоқда.

Виктор НИКОЛАЕВ, ЎзА мухбири

Маҳалланг — ота-онанг





ҲАМЖИҲАТЛИКДА ГАП КЎП

«ЯНГИ МИРОБОД» МАҲАЛЛАСИ БУНДАН 12 ЙИЛ МУҚАДДАМ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН. УШБУ МАҲАЛЛАДА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ ВА МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛГАН ОЧИҚ, ОШКОРА ЙИҒИЛИШ КЎПЧИЛИККА МАНЗУР ВА ХОТИРАСИДА ҚОЛАДИГАН ВОҚЕА БЎЛДИ, ДЕСАК ЯНГЛИШМАЙМИЗ.

Йиғилишнинг ташкилий жиҳатдан пухта ўтишида ишчи гуруҳи (раиси Баҳодир Турдихўжаев)нинг хизмати катта бўлди. Аҳоли билан сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг вазифалари ва ваколатлари тўғрисида ва бошқа мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилди. Гуруҳ аъзолари хонадонма хонадон юриб, фуқаролар билан танишдилар, уларнинг истак ва эҳтиёжларини ўргандилар.

Ҳисобот-сайлов йиғилишига ҳар бир кўча, кўп қаватли уйлардан вакиллар сайланди. Сайлов бўладиган кун, вақт ва жой бир ҳафта олдин хабар қилинди.

Маҳалла оқсоқоли Собиржон ака Толибжоновнинг ҳисоботидан қуйидаги маълумотлар ўрин олди:

—Фаолиятимизни режа асосида олиб борамиз. «Асака банк», «Кореана» меҳмонхонаси, «Аёл ва жамият» институти, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими, ЎзЛиДеП туман Кенгаши, ҳудудимиздаги ташкилот, идора, муассаса ва ишбилармонлар билан ҳамкорлигимиз мустаҳкам.

Хонадонларни покиза, кўчаларни озода тутиш, обод этиш, биноларни таъмирлаш ва бошқа фойдали ишларимизнинг барчаси ҳашар йўли билан қилинди.

Маҳалла фуқаролар йиғини ўтган йили кам таъминланган 15та оилага моддий ёрдам кўрсатди. Меҳнат фахрийларидан 30 кишининг ҳар бирига баҳоли қудрат 5 минг сўмдан моддий кўмак берилди.

—Маҳалла—бизнинг мўъжаз ватанимиздир. Тўйда ҳам, маъракада ҳам бир тан, бир жонмиз,—дейди оқсоқол сўзида давом этаркан.

Собиржон ака яна бир мисолни келтирдилар: маҳалладош шифокорлар икки беморни беминнат операция қилиб даволашибди.

«Аёл ва жамият» институти маҳалладаги оилаларнинг 24 фарзандини компьютер ва тикувчилик илм-ҳикматига ўқитиб, гувоҳномалар берди. Якка-ёлғизлар ўзларини танҳо сезишмайди, чунки маҳалла бор. Тафтиш комиссияси аъзоси Абдувоҳид Аҳмедов ҳам ҳисоб берди:

—Кам таъминланган 18 оилага 1 миллион 156 минг сўм миқдорида моддий ёрдам ва нафақалар берилган. Ҳомийлар ҳисобидан 322 минг сўм сарф-харажат қилинган. Маблағлар жой-жойида ва тўғри сарф қилинган, камчиликлар йўқ.

Бугун маҳалланинг ҳисоб рақамида 860 минг сўм пули бор.

Музокараларни Нормели ака Норпўлатов бошлаб берди:

—Ўзимизнинг маҳалла яхши экан. Бошқа жойда яшаб кўриб маҳалламизнинг қадрини билдим. Маълумотнома олиш учун одамлар ҳафталаб югуришади. Бу ерда ҳаммамиз бир оила, бир ота-она фарзандларидек аҳилмиз. Агар Собир ака маҳалланинг юраги бўлса, котибимиз Ҳасан ака унинг ақли-заковатидир.

Маҳалладош Д.Ким ҳам ушбу фикрларга қўшилиб айтдики, шу мўъжаз маконда, шу маҳаллада яшаганимиздан хурсандман.

Раҳмонберди Зикиров:

—Собиржон ака фидойи инсон, ҳамиша ҳозиржавоб. Дардингизни тушуниб, унга даво чорасини кўради. Кўз тегмасин, маҳалламиз инок. Бу ҳам оқсоқолнинг шарофатидан. —Энди бир таклифим бор, —деб сўзида давом этди Раҳмонберди ака, — шаҳар кенгайиб, тобора обод бўлмоқда. Аммо болаларимиз ўйнаб, дам оладиган жой йўқ. Шунинг ғамини ейишимиз зарур.

Раҳмонберди Оғабеков:

—Мен аҳолимизнинг жипслиги тўғрисидаги фикрни давом эттирмоқчиман. Биз ўз маконимиз, ўз хонадонимизни ўзимиз покиза, саранжом-саришта қиламиз. Собиржон ака бизни шунга ўргатадилар.

Очиқ овоз бериш билан бўлиб ўтган сайлов натижаси бўйича Собиржон Толибжонов маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Ҳасан Ашуров котиб этиб якдиллик билан сайландилар. Маҳалла Кенгаши ва доимий комиссиялар таркиблари ҳам бир овоздан маъқулланди.

Бир сўз билан айтганда, ҳисобот-сайлов йиғилиши маҳалла аҳолисининг жипслиги, якдиллиги ва фуқаролар йиғинининг кўпқиррали фаолиятидан бохабар эканлигини ёрқин намойиш этди.

Маҳмуд АБДУРАИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Фуқаролик жамияти сари

МАҲАЛЛА — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

ҲОЗИРДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ТУРЛИ СОҲАЛАРНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ, ШУ ЖУМЛАДАН ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШДА ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Ўзбек давлатчилиги ривожининг кафили сифатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий ҳолатини мустаҳкамлаш, унинг фаолиятини кенгроқ ташкил этиш, демократик институтларни шунинг ўзагида янада жонлантириш, қолаверса кундалик муаммолар ечимини топишда унга суяна олишдек қатъий ишончни пайдо қилиш ҳар бир инсоннинг бурчи ва масъулияти бўлиб қолади.

Ҳаммамизга маълумки, айни кунларда мамлакатимиз миқёсида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар бўлиб ўтмоқда. Шу мақсадда жойларда олдинги бўлиб ўтган сайловларга ўхшаш ижобий ислоҳотларни янада шакллантириш, шу билан бирга янги сайлов механизмларини такомиллаштириш лозим. Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари, яъни вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ўз ҳудудларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказилишини таъминлашга масъулдирлар. Бундан кўриниб турибдики, жамият илдизи ҳисобланган маҳалла ва фуқаролар йиғинлари органларини шакллантириш борасида давлат ҳокимияти органлари жонбозлик кўрсатиб фаолият юритмоқда. Сабаби — жамият ва давлатнинг ички тартиби, тинчлик-хотиржамлиги аввало маҳаллий ҳудуд аҳолисининг кайфияти, манфаати ҳамда келажакка интилиши билан боғлиқ ижтимоий ҳодисадир.

Кўплаб хориж давлатларининг бошқарув тизимига назар ташлайдиган бўлсак, бир қанча хорижий адабиётларда таъкидланишича, иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда ижтимоий вазифалар кўламининг кўпайиши, шунингдек, мазкур масалаларнинг маҳаллий даражада ҳал этилишига таъсир кўрсатиш ҳақидаги омма талаби кўпгина ижтимоий вазифаларнинг марказий даражадан муниципал даражага ўтишига, марказлашган тизимдан марказлашмаган тизимга ўтишига туртки бўлди. Кундан-кунга ўсиб бораётган ижтимоий масалаларни ҳал қилишнинг шарти муниципалитетларни биринчи навбатда, қишлоқ шароитида мустаҳкамлашдан иборатлиги аён бўлди. Шу мақсадда бир қанча ҳуқуқ тизимларида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг бир неча моделлари ташкил топди. Жумладан, Буюк Британия, Канада, АҚШ, Ҳиндистон, Янги Зеландия ва бошқа бир қанча мамлакатларда англосаксон тизими, Франция, Италия, Голландия, Португалия, Бельгия, Испания ва бошқа Европа давлатларида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг француз тизими амалда қўлланила бошланди.

Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш ҳамда олиб борилаётган демократик ислоҳотларда фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш йўлида муҳим босқичдир. 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонун айнан шу мақсадга йўналтирилгандир.

Маълумки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимида сайловларнинг ҳақиқий демократик асосда эркин бўлишини таъминлаш, фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини янада аниқ қилиб белгилаб қўйиш, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирда маҳаллий Кенгашлар томонидан сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида вилоят, туман ҳамда шаҳарлар ҳудудида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ҳамда ишчи гуруҳлари фаолият юритмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, фуқаролар вакилларининг йиғилишига қовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳалардан уларда яшовчиларнинг умумий йиғилиши қарори билан сайланадиган намояндалар вакил қилинадилар. Бунда вакиллик меъёрини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича тегишли туман ёки шаҳар мувофиқлаштириш кенгаши белгилайди. Биз сайловлар жараёнларида фуқароларимизга вакиллик меъёрини кенгроқ тушунтириб бериш, вакиллик қай тартибда амалга оширилади, унинг ҳуқуқий механизми қанақа белгиланади ва шунга ўхшаш муҳим масалалар билан яқиндан таништиришимиз керак.

Сайловдаги яна бир муҳим босқич, бу — фуқаролар йиғини раиси вазифасига номзодларни кўрсатиш ҳисобланади. Қонунда номзодларга қўйиладиган талаблар қуйидагича: фуқаролар йиғини раиси вазифасига номзодлар қоида тариқасида, олий маълумотли бўлиши ва сайлов куни тегишли ҳудудда доимий яшаб турган бўлиши, шунингдек ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак. Шундан ҳам кўриниб турибдики, фуқаролар йиғини раисини сайлашда албатта аҳоли келажакда тегишли маҳалла ҳудудида фуқароларнинг яхши-ёмон кунида доим бирга бўладиган, уларни доимий қўллаб-қувватлайдиган шахсларга овоз бераётганлигини ҳис қилмоғи лозим.

Ўзбек демократиясининг таянчи ҳисобланган маҳалла институти мавқеини кўтариш, унинг жамият ҳаётида тутган ўрнини мустаҳкамлашда сайловларни ошкоралик руҳида ва қонунларга мувофиқ ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Бу борада республикамизда ушбу масалага оид катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса демократик анъаналар янада мустаҳкам қарор топаётганидан далолат беради.

Шундай қилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларнинг ижтимоий-сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юқори савияда, миллий қонунчилик, халқаро меъёр ва андозаларга тўла амал қилинган ҳолда ўтказилиши Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганлигини кўрсатади.

Маҳмут УТЕМУРАТОВ,
Тошкент Давлат юридик институти доценти,
Шерзод ЗУЛФИҚОРОВ,
ТДЮИ ўқитувчиси

Қарор ва ижро

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2005 ЙИЛ 31 ОКТЯБРДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФИДА МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАЁТГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ИМТИЁЗЛАР ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ПРОФЕССИОНАЛ МИЛЛИЙ АРМИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, АРМИЯ МАКТАБИНИ ЎТАГАН, САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР ЕТИШТИРИШДА МУҲИМ ДАСТУРИЛАМАЛ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА. ҚАРОР МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАГАН ФУҚАРОЛАРГА КАТТА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛИШИНИ НАЗАРДА ТУТАДИ.

Қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари ва Миллий хавфсизлик хизмати билан биргаликда муддатли ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низом ишлаб чиқилди ва Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилди. Юртбошимизнинг ташаббуси билан амалга оширилаётган бундай хайрли ишларнинг ёркин самарасини ўтган йили қарийб икки минг олти юздан зиёд йигит ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасини олишга муваффақ бўлганида ҳам кўриш мумкин. Уларнинг кўпчилиги бугун талабалар сафида таҳсил олмоқда.

Президентимиз қарорига мувофиқ, ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан резервга бўшатилаётган ҳарбий хизматчиларга олий таълим муассасаларига имтиёзли шартлар асосида ўқишга кириш учун бериладиган тавсияномаларнинг ягона шакли ишлаб чиқилди.

Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари ва Миллий хавфсизлик хизмати Давлат тест маркази билан биргаликда Қуролли Кучлар қўшинлари турларининг жанговар- хизмат вазифалари хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик дастурини ўзлаштиришини якуний баҳолаш учун тестлар ишлаб чиқилди. Қарорга биноан барча ҳарбий қисмлардан баҳорда резервга бўшатилган ҳарбий хизматчилар тест синовидан ўтказилди. Тест синовлари натижалари муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганларга олий таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсияномалар беришда ҳисобга олинмоқда.

Марказимиз, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чақирув комиссиялари билан биргаликда муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган фуқароларнинг соғлиғи, интеллектуал савиясини ўрганишдан ташқари уларнинг билимини замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тест синовлари орқали баҳолади.

— Ҳарбий хизматга чақирилаётган ёшларга мўлжаллаб ишлаб чиқилган тестларнинг ўзига хос жиҳатлари нимада?

— Ҳарбий хизматга чақирилувчи йигитларнинг билимини баҳолашга мўлжалланган тест топшириқлари базаси ҳар йили 1 августда олий ўқув юртларида ўтказиладиган одатдаги тест синовларидан фарқ қилади. У, асосан, уч йўналиш — она тили, математика ва Ўзбекистон тарихи фанлари бўйича тузилди. Муҳим жиҳати шундаки, масалан, математика фанидан тайёрланган тестлар чақирилувчиларнинг мантиқий фикрлаш даражасини билишга хизмат қилса, тарихдан тузилганлари уларда ватанпарварлик , буюк сиймолар ва халқимиз ғурури ҳисобланган омилларни билишини синовдан ўтказади.

— Юртбошимизнинг қарорида Давлат тест маркази зиммасига булардан ташқари яна талай вазифалар юклатилган. Хусусан, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларнинг олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун самарали тайёргарлик кўришларини ташкил этиш бўйича тегишли вазирликлар билан биргаликда чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиб, амалга ошириш кўзда тутилган. Бу ҳақда нима дея оласиз?

— Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Мудофаа вазирликларининг саъй- ҳаракати билан ҳарбий қисмларда ҳарбий хизматчилар танлаган ихтисосликлари бўйича мамлакат олий таълим муассасаларига ўқишга киришларида ёрдам бериш учун ҳафтасига ўртача тўрт соатлик машғулотлар ўтказилмоқда. Булардан ташқари ҳарбий хизматни муваффақиятли якунлаб қайтган ва олий ўқув юртига ўқишга кириш истагида бўлган ёшлар учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида олий таълим муассасаларида бепул тайёрлов курслари ташкил этилмоқда.

Айни пайтда Мудофаа вазирлигига қарашли барча ҳарбий қисмлар кутубхоналари Давлат тест маркази томонидан тест топшириқлари тўпламлари, «Ахборотнома» ва «Вестник»лар билан тўла таъминланди. Барча ҳарбий қисм кутубхоналарига 57 турдаги жами 96 тадан тест тўплами ва тегишли журналлар етказиб берилди. Ҳарбий хизматчилар улардан бемалол фойдаланиб, билимини мустаҳкамлаб бориши мумкин. Бунинг учун шароит ва имконият яратилган.

Буларнинг барчаси истиқлолимизнинг шарофати, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини кўзлаб, изчиллик билан амалга ошираётган адолатли, халқпарвар сиёсати самарасидир.

ЎзА мухбири Жасур КЕНГБОЕВ суҳбатлашди

Анжуманлар

АКАДЕМИЯ ТАШАББУСИ БИЛАН

АВВАЛ ХАБАР БЕРИЛГАНИДЕК, АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИДА ЁШЛАРНИНГ БЕРУНИЙ АКАДЕМИЯСИ ТОМОНИДАН «ФАН ВА ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИДА ЁШЛАР» МАВЗУИДА ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРНИНГ ОЛТИНЧИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Университет ректори, профессор Шораҳмат Шообидовнинг кириш сўзи билан бошланган анжуманнинг ялпи мажлисида, университет ёшларининг Беруний академиясининг раҳбари, проректор, профессор Карима Норқулованинг «Ёшлар академиясининг босиб ўтган йўли ва истиқболи» мавзуидаги маърузаси, университет иқтидорли талабаларининг «ГА-ЭСнинг Марказий Осиё ЭЭТдаги ўрни», (Қурбон Жўраев), «Қуёш элементларининг физика ва технологияси курси бўйича электрон қўлланма» (Георгий Кобилин), «Сорбцион танлаб эритишдаги смолани қайта фойдаланиш учун ажратишнинг янги оқилона схемаси» (Абдуқаҳҳор Сайназаров), «Нефть ва газ хўжалигида газтенглагич тизимларини қўллаш» (Бекзод Мусаев), «Симплекс усулининг иқтисодиётга татбиқи» (Холмурод Бобоев), «Электрошлак усулида енгил оксидланадиган шихтани суюқлаштириш» (Руслан Ярочкин), «Лизинг амалиётларининг самарадорлиги ва уларни расмийлаштириш» (Гулноза Ибодуллаева), «Нефть шламларини пиролиз усулида қайта ишлаб кондицион маҳсулотлар олиш» (Маҳмуд Сафаев) мавзуидаги маърузалари тингланди ва тақдим этилди.

Анжуманда электроника ва автоматика, ахборот технологиялари, нефть-газ ва саноат экологияси, кончилик иши ва геологияси, механика ва машинасозлик, энергетика ва энергия тежамкорлиги, иқтисодиёт, фундаментал ҳамда ижтимоий гуманитар фанлар йўналиши бўйича шўъбаларда иш олиб борилди.

Юқорида қайд этилган йўналишлар бўйича ташкил этилган шўъбаларда 500 дан ортиқ маъруза ва бошқа илмий чиқишлар тақдим этилди. Маърузаларнинг қисқача баённомалари (тезислари) Ёшлар Беруний академиясининг «Техника юлдузлари» журналининг махсус сонларида чоп этилди. Берилган материалларнинг мазмуни ва қўлами, долзарблиги, таҳлилий даражаси фан ва техника тараққиётининг долзарб йўналишлари, фанлараро ва ишлаб чиқариш, интеграция даражаси билан танишиш имконини беради.

Анжуманнинг ялпи ва шўъба мажлисларидаги саволлар ва жавобларда, баҳс, мунозараларда иқтидорли талабалар маърузаларидаги назария, амалиёт, интеграция масалалари, муаммоларнинг айрим қирралари янада ойдинлашди.

Ушбу анжуманда илк бор «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» маркази қошидаги ТошДТУ томонидан ташкил этилган «Ижодкор ёшлар клуби» аъзолари ҳам ўз илмий маърузалари билан қатнашдилар.

Анжуман доирасида иқтидорли талабаларнинг «Энг яхши илмий маъруза» танлови ҳам ўтказилди. Танловда 80 дан ортиқ иқтидорли талаба иштирок этди. Танлов якунида маърузалари долзарб ва илмий жиҳатдан салмоқли деб топилган 12 нафар талаба эсдалик совғалари билан, 50 нафар талаба фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ,
ТошДТУ доценти

Тадбирлар

ЙОДЛАНГАН ТУЗНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

«ЭНГ КЎП ЙОД НЎХАТ ТАРКИБИДА МАВЖУД БЎЛИБ, УНИНГ ОҒИРЛИГИ 1 ГРАММ. ҚУРУҚ НЎХАТДА 211 МИКРОГРАММНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. ҚАЛАМПИРДА ЭСА 135, ПИЁЗДА 19 МИКРОГРАММ ЙОД МАВЖУД».

Айтиш керакки, юқоридаги маълумотлар аниқ статистик далилларга асосланган. Яна шу нарса далиллардан аёнки, йод — инсон танаси учун зарур бўлган микроэлементлардан бири бўлиб, унинг инсон организмида етишмаслиги оқибатида йод танқислиги касалликлари юзага келади. Тиббиёт соҳасидаги шу каби муаммоларни ҳисобга олган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Эндокринология илмий текшириш институти, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, БМТ Болалар жамғармаси «ЮНИСЕФ»нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда «Ички истеъмол бозорида йодланган ош тузи мониторингини ўтказишда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ходимлари ва аъзолари учун методик қўлланма» чоп этилди.

Шу боис Тошкент шаҳридаги бир нечта туманлардаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари туман бўлимларида йод танқислигининг олдини олишга бағишланган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Илк тадбир Учтепа тумани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ташаббуси билан туман ҳокимлиги биносида ўтказилди. Унда 55 нафар таянч гуруҳи раҳбарлари, тиббиёт ходимлари, туман халқ таълими, Қизил Ярим ой жамияти бўлимлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Тадбирда Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмаси раиси вазифасини бажарувчи Баҳодир Абдуқодиров, Учтепа тумани истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳудудий бирлашмаси раиси Дониёр Рустамов, Эндокринология илмий-текшириш институти катта илмий ходими, кимё фанлари номзоди Раҳим Исломовлар сўзга чиқишиб, йод танқислиги қалқонсимон без фаолиятининг бузилишига олиб келиши бу борада олиб борилаётган ишларнинг самараси ўлароқ сифатсиз ош тузи сотилишининг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратишди.

— Йод элементи киши танасида табиий равишда пайдо бўлмайди, — дейди кимё фанлари номзоди Раҳим Исломов биз билан бўлган суҳбатда. — Бунинг учун зарурий озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш керак бўлади. Яна шу нарса аёнки, йод танқислигининг енгил даражаси одамнинг мия фаолияти сустлашишига, фикрлаш, асаб тизими фаолиятига жиддий таъсир кўрсатади. Йод етишмовчилиги дунёнинг кўп мамлакатларида тарқалган. Асосан денгиз ва океанлардан узоқда жойлашган давлатларда истиқомат қилаётган аҳоли йод танқислигидан азият чекадилар. Бу борада эса йодланган тузнинг афзалликлари кўп.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Қадриятларимиз

ЁДГОРЛИКЛАР МОЗИЙДАН СЎЗЛАР

ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИ КЎЗ ҚОРАЧИҒИДЕК САҚЛАШ, УЛАРГА МИЛЛИЙ БОЙЛИК СИФАТИДА МУНОСАБАТДА БЎЛИШ ДАВР ТАҚОЗОСИГА АЙЛАНМОҚДА. ДУНЁ МИҚЁСИДА ЁДГОРЛИКЛАРНИ САҚЛАШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ҲАМ ҲОЗИРГИ ДАВРДА ИНСОНЛАР УЧУН ЎТМИШ ОСОРИ АТИҚАЛАРИНИ ЭЪЗОЗЛАШ ҲАЁТ МЕЗОНИГА АЙЛАНГАНЛИГИНИНГ ДАЛИЛИДИР.

Мутахассислар ҳозирги пайтда Марказий Осиёда 30 мингдан ортиқ тарихий ёдгорликлар, қадамжолар, осори атиқалар мавжудлигини таъкидлайдилар. Уларнинг асосий қисми Ўзбекистонга тўғри келиши ўлкамизнинг, миллатимизнинг нақадар чуқур ва шунингдек, бой ўтмишга, ранг-баранг тарихга эгалигини кўрсатади. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида тарихий ёдгорликларга катта эътибор берилмоқда. Хусусан Президентимиз ташаббуслари билан Самарқанддаги Имом Бухорий, Шоҳи Зинда, Термиздаги Ҳаким Ат-Термизий, Бухородаги Хўжа Баҳоуддин Нақшбандий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Шаҳрисабз, Хива ва бошқа шаҳарлардаги кўплаб ёдгорликлар мажмуасининг таъмирдан чиқарилиши кишига қувонч ва фахр туйғуларини бахш этади.

Яқинда тарихий ёдгорликлар, миллий қадриятларни излаб топиш, авайлаб-асраш, юртимизда ва хорижда тарғиб этиш асосий вазифаси бўлган «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасида Ички ишлар вазирлигининг Хорижга чиқиш, кириш ва фуқаролик бош бошқармаси шахсий таркиби билан ҳамкорликда ўтказилган «Ёдгорликлар мозийдан сўзлар» тадбирида ҳам шу ҳақда сўз борди. Тадбирда сўз олган жамғарма раиси Амирқул Каримов мамлакатимиздаги тарихий ёдгорликларга эътибор, шу соҳада қилинаётган хайрли ишлар, жамғарманинг ёдгорликлар тарғиботи борасида юртимизда ва хорижий давлатларда амалга ошираётган ишлари тўғрисида йиғилганларга маълумот берди.

Сўнгра Тошкент шаҳри ёдгорликлари ва уларнинг топонимияси бўйича монография ва китоблар муаллифи Абдулазиз Муҳаммадкаримов пойтахт обидалари тарихи тўғрисида гапириб, Абулқосим, Кўкалдош ва Хўжа Аҳрор каби мадраса ва масжидларнинг таъмирига оид жараёнларнинг илгари ва Мустақиллик йилларида қандай кечганлиги тўғрисидаги фикрларни баён қилди.

Мавзуга оид савол-жавоблардан сўнг, жамғарма қошидаги «Муножот» мумтоз қўшиқ ва рақс гуруҳининг ҳофизлари тадбирга кўтаринки руҳ бағишладилар.

Азиза МУҲАМЕДОВА

ПОЙТАХТ АВИАСОЗЛАРИ БЕРЛИНДАГИ АВИАСАЛОНДА

ГЕРМАНИЯ ПОЙТАХТИДА САЛКАМ ЮЗ ЙИЛЛИК ТАРИХГА ЭГА ЕВРОПАДАГИ ЭНГ ЙИРИК ХАЛҚАРО АВИАЦИЯ КЎРГАЗМАЛАРДАН БИРИ– «ИЛА-2006» ЎЗ ЯКУНИГА ЕТДИ. РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ЖОРИЙ ЙИЛГИ КЎРГАЗМАНИНГ РАСМИЙ ҲАМКОРИ ҲАМДА «В.ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ» ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК УЮШМАСИ САМОЛЁТЛАРИ БУЮРТМАЧИСИ СИФАТИДА ҚАТНАШДИ.

Берлин-Шёнефельд халқаро аэропорт ҳудудида дунёнинг 42 мамлакатидан келган мингдан зиёд ишлаб чиқарувчиларнинг авиасозлик соҳасидаги энг янги ютуқларини ўзида мужассам этган 340 самолёт ҳамда вертолёт намойиш этилди. Улар орасидан йўловчи ташувчи самолётлар ва кенг фюзеляжли суперюкташувчилар, ҳарбий қирувчилар ва амфибия самолётлари жой олган. Тошкент авиазаводи кўргазмада замонавий Ил-76ТД-90ВД русумли юк ташувчи лайнер билан қатнашди.

—Мазкур юк ташувчи самолётга Пермь мотор заводининг янги ПС-90А-76 русумли двигателлари ўрнатилган. Улар Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг барча талабларига жавоб бериб, ёқилғини 23 фоизга тежаш имконини беради, — дея ўз маҳсулотига таъриф берди Тошкент авиация бирлашмаси ишлаб чиқарувчи директори Ж.Гуломов. – Аввалгисидан кўра кучлироқ двигателларнинг ўрнатилиши самолётнинг юк ташиш имкониятини 40 тоннадан 60 тоннага етказди. Самолётларимизнинг яна бир ўзига хос хусусияти – уларнинг узоқ масофага уча олиши ва юкларни сайёрамизнинг ҳар қандай ҳудудига ташиш имкониятига эгалигидир. Мазкур авиасалонда иштирок этиш орқали ўз имкониятларимизни намойиш этиб, мижозларимиз доирасини кенгайтириш ва ташқи бозорда ўз ўрнимизни эгаллашни мақсад қилганмиз.

Тадбир доирасида ўзбекистонлик мутахассислар турли фирма ва компаниялар вакиллари билан учрашиб, республикамиз авиасаноати маҳсулотларини сотиш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Маҳмуд БОБОНАЗАРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири
Берлин

Мусоҳаба

ТОШКЕНТ — БУНЁДКОРЛИК КЎЗГУСИ

ДЕЙДИ РОССИЯ ХАЛҚ АРТИСТИ, ДИРИЖЁР МУРОД АННАМАМЕДОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ ЎРТАСИДА ИЖОДИЙ АЛОҚАЛАР ТОБОРА РИВОЖЛАНИБ БОРМОҚДА. МАСАЛАН, ЎЗАРО КЕЛИШУВГА МУВОФИҚ, 2005 ЙИЛНИНГ СЕНТЯБРЬ ОЙИДА РОССИЯНИНГ ЙИРИК МИНТАҚАСИ—ЯРОСЛАВЛ ВИЛОЯТИДА ЎЗБЕКСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ БЎЛИБ ЎТГАН ЭДИ. КУНИ КЕЧА ЭСА ТОШКЕНТДА ЯРОСЛАВЛ ВИЛОЯТИ САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ ГАСТРОЛИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ. ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ ТАКЛИФИГА МУВОФИҚ РЕСПУБЛИКАМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН ЯРОСЛАВЛ ДАВЛАТ ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ ВА ЯРОСЛАВЛ ДАВЛАТ АКАДЕМИК СИМФОНИК ОРКЕСТРИ БИР НЕЧА КУН ДАВОМИДА ПОЙТАХТИМИЗДА СПЕКТАКЛ ВА КОНЦЕРТЛАР НАМОЙИШ ЭТДИ.

БИЗ СИМФОНИК ОРКЕСТРНИНГ БАДИЙ РАҲБАРИ ВА БОШ ДИРИЖЁРИ, РОССИЯ ХАЛҚ АРТИСТИ, И.АРХИПОВА ФОНДИ МУКОФОТИНИНГ СОҲИБИ МУРОД АННАМАМЕДОВ БИЛАН УЧРАШИБ, СУҲБАТЛАШДИК.

—Мурод Отаевич, ўз ижрочилиги билан аллақачон халқаро майдонларда ҳам танилган ижодий жамоанинг раҳбари сифатида айтингчи, Тошкент гастролидан мамнунмисиз?

—Хурсандлигимни чинакам санъат мухлисларига ўхшаб дилдан ифодалашга тайёрман. Бу ёғини сўрасангиз, биз ижодий сафаримизнинг шундай бекаму кўст ташкил этилиши ва ўтишини бу ерга келмасимизданоқ биландик. Чунки, бўлажак мезбонларимиз, яъни 2005 йили вилоятимизда ўтган Ўзбекистон маданияти кунларининг иштирокчилари, аниқроғи, ўзбекистонлик санъаткор дўстларимиз бизга бўлган меҳрли муносабатларини, иззат-ҳурматларини ўзлари тайёрлаб борган ажойиб дастурлар мисолида, қолаверса, ўзаро мулоқотларда ёрқин намойиш этган эдилар. Шундай дўстлар, қадрдонлар ва ҳамкасблар ҳузурида қувончбахш ижодий сафарга эришмай бўладими?!

Мен бошқа йирик шаҳарларда ҳам буюк композитор П.Чайковскийнинг машҳур «Тўртинчи симфония»си, Д.Шостаковичнинг «Байрам увертюраси», фортепьяно учун ёзилган биринчи концертидан тузилган жуда кўп симфоник мусиқа концертларига, шунингдек, «Евгений Онегин» операсига дирижёрлик қилганман. Лекин бу ишни Тошкентда Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театри саҳнасида бажараётганимда ўзимни ниҳоятда енгил, эркин ҳис қилдим. Бу масалан, ўзимнинг туркман миллатига мансублигим, яъни маҳаллий аҳолига қондошлигим туфайлигина эмасди, балки кўпроқ санъатни, мусиқани европаликлардан кам билмайдиган, зиёда қадрлайдиган инсонлар даврасида ижрочилик маҳоратимни намойиш этаётганимдан фахрланиш ҳисси натижаси эди.

— Навоий номли театрда намойиш этилган гала-концертда оркестрингиз худди шу ажойиб тадбир сабаб бўлиб Бахтиёр Ёқубов, Дилбар Абдураҳмонова, Анвар Эргашев каби санъат фидойилари билан яқиндан дўстлашдим. Исмоил Жалиловдек курсдош билан бўлган қадрдонлигимиз янада кучайди. Ноёб овоз соҳиби, ёш баритон Абдумалик Абдуқаюмов билан ака-ука, устоз-шогирд бўлиб қолдик. Глинка ва Булбул мукофотлари соҳибларининг 28 майда Ярославлда, 30 майда Москвада бўладиган концертларида саҳнага у билан бирга чиқамиз. Анатолий Колбешин эса, «Карнавал вальси»ни ўзбекча ижро этишда ўзига ҳамовоз бўлган Нормўмин Султонов ва Сайфиддин Рўзиқулов билан бу ажойиб тажрибани келгусида яна давом эттириш хусусида фикрлашиб олди.

Шундай экан, дўстлик деган пойдевор асосига қурилган ижодий алоқаларимизнинг келгусида янада гуркираб давом этишига асло шубҳа қилмаймиз.

— Биз учун сиздай таниқли санъаткорнинг бугунги Тошкент ҳақидаги таассуротлари ҳам қизиқарли.

— Дилимдаги саволни бердингиз. Мен Тошкентда сўнгги марта тўқсонинчи йилларнинг бошларида бўлган эдим. Азал-азалдан Шарқ дарвозаси дея эътироф этилган шаҳрингизнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Бир-биридан гўзал, ҳашаматли иморатларни, майдонларни, маданият ва истироҳат боғларини кўриб тўғриси қувончдан, ҳайратдан ёқа ушладим. Кенгайтирилган равон йўлларни, энг сўнгги тажрибалар тавсиялар асосида қурилган кўприкларни айтмайсизми. Ўзбекистон Давлат консерваторияси ва санъат институтини кўрсатишганида ўзбекистонлик талабалар ва уларнинг устозларига ҳавас қилдим. Чунки биз томонларда, ҳатто Россиянинг йирик шаҳарларида ҳам олий бадиий таълим масканлари ҳали барча қулайликларга эга, ўта замонавий услубда қурилган бундай бинолларга эга эмас-да!

Мен ижодий гастроллар билан собиқ иттифоқнинг бошқа республикаларида ҳам бўлганман. Лекин улардан бирортасининг пойтахтида бундай кескин ўзгаришларни, аниқроғи янгича қиёфани кўрмаганман. Бугунги Тошкентнинг жозибали кўринишларини, чиройини ҳақиқий бунёдкорлик кўзгуси дейиш мумкин.

Ана шундай янгиланган машҳур шаҳарда бир неча кун бўлиб, ўз санъатимизни намойиш этишимизга, ҳамкасб дўстларимиз билан ўзаро фикр ва тажриба алмашиб олишимизга имконият яратиб берган Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигига астойдил миннатдорчилик билдирамиз.

Юсуф БЕРДИЕВ
суҳбатлашди

Танловлар

ЯШИЛ ЧИРОҚ—2006

ШАҲРИМИЗДА БОЛАЛАР ИШТИРОКИДАГИ ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ БОШҚАРМАСИ ҲАМДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ ҲАМКОРЛИГИДА БИР ҚАТОР ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. УЛАР ТОМОНИДАН МАКТАБЛАРДА МУНТАЗАМ РАВИШДА, ЯЪНИ 2005-2006 ЎҚУВ ЙИЛИ ДАВОМИДА 3727 МАРОТАБА ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ ВА ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ БЎЙИЧА СУҲБАТ ВА ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛДИ.

Бундан ташқари Тошкент шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ва Халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорлигида ишлаб чиқилган режага асосан, жорий йилнинг март ойида мактабларда «Яшил чироқ» мусобақалари ўтказилиб, апрель ойида туман биринчилиги учун мактабларо мусобақалар уюштирилди. Ушбу мусобақалар йўл ҳаракати қоидалари ва ҳаракат хавфсизлигини тарғиб этишда катта аҳамиятга эга бўлди. Мактабларда ташкил этилган ёш автоназоратчилар гуруҳлари бу ишларга ўз ҳиссаларини қўшиб, ўзларига бириктирилган боғчаларда йўл ҳаракати қоидаларини тарғиб этиб, суҳбатлар ўтказдилар. Яъни ўқувчиларнинг мактабга келиш ва кетиш вақтларида мактаб олдидаги йўлнинг қатнов қисмида навбатчи постлар ташкил қилиб, уларнинг йўлдан ўтиши вақтида хавфсизликни таъминлаб туришди.

Куни кеча Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ушбу мусобақанинг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. « Яшил чироқ—2006» кўрик-танловида шаҳримизнинг Учтепа туманидан 193-мактаб, Бектемир туманидан 293-, Миробод туманидан 214-, М.Улуғбек туманидан 187-, С.Раҳимов туманидан 326-, Ҳамза туманидан 244-, Чилонзор туманидан 178-, Шайхонтоҳур туманидан 39-, Юнусобод туманидан 327-, Яккасарой туманидан 26-мактаблар қатнашишди. Ниҳоятда қизиқарли ва таассуротга бой тарзда ўтган ушбу кўрик-танловда Чилонзор туманидаги 178-мактаб ғолиб деб топилди ва 2006 йилнинг июнь ойида Жиззах вилоятида ўтказиладиган Йўл ҳаракати ёш назоратчиларининг республика слёти мусобақаларида қатнашиш учун йўлланмани қўлга киритдилар.

Бобур НИГМАТОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ
Тарғибот ва ташвиқот бўлими
бошлиғи вазифасини
бажарувчи, майор

Санъат

«ПАРВОНА» — ЭКРАН ТАЛҚИНИДА

АТОҚЛИ ШОИР ВА ДРАМАТУРГ УЙҒУННИНГ «ПАРВОНА» АСАРИ БУНДАН 40 ЙИЛ АВВАЛ САҲНА ЮЗИНИ КЎРГАН ЭДИ. ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА ПОСТАНОВКА ҚИЛИНГАН БУ ПЬЕСА КЕЙИНЧАЛИК РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ БОШҚА ҚАТОР ИЖОДИЙ ГУРУҲЛАР ТОМОНИДАН ҲАМ КЎРСАТИЛДИ.

Кўплаб томошабинларга манзур бўлган мазкур саҳна асари эндиликда экран талқинини топмоқда. Истеъдодли ёш кинорежиссёр Машраб Кимсанов томонидан яратилаётган «Парвона» бадиий фильми бугунги кун руҳи билан суғорилган ҳолда суратга олинмоқда.

Фильмдаги асосий роллар истеъдодли актёрлар ижросида ўзига хос қиёфаларда талқин этилади.

АКТЁРНИНГ РЕЖИССЁРЛИК МАҲОРАТИ

Республикамизда экранларга чиқарилган қатор бадиий фильмлардаги бош ролларни ижро этган таниқли актёр Мурод Ражабов эндиликда кинорежиссёр сифатида ҳам ўз ижодий маҳоратини намоён этмоқда.

Шу ўринда «Содиқ дўстлар» деб номланган фильмни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Мазкур экран асари ўзига хос бадиий услубда яратилди. Фильмга жалб этилган актёрлар ижро этган роллар ҳам томошабинда қизиқиш уйғотади.

ҚАЙТА САҲНАЛАШТИРИЛГАН ОПЕРА

МАШҲУР КОМПОЗИТОР ДЖУЗЕППЕ ВЕРДИНИНГ САҲНА АСАРЛАРИ ОРАСИДА «ТРАВИАТА» ОПЕРАСИ АЛОҲИДА ЎРИН ТУТАДИ. МУСИҚА ОҲАНГЛАРИГА БОЙ БЎЛГАН БУ ЖОЗИБАДОР ОПЕРА ПОЙТАХТИМИЗ ТОМОШАБИНЛАРИГА ҲАМ ЯХШИ ТАНИШ.

Бундан ўн йил аавал «Травиата» Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театрида саҳна юзини кўрган эди. Ўзбекистон ва Озарбойжон халқ артистлари ҳисобланган таниқли режиссёр Фирудин Сафаров томонидан постановка қилинган бу опера томошабинларга манзур бўлган эди.

Орадан вақт ўтиши билан бу ажойиб ижод намунасига яна эҳтиёж пайдо бўлди. Режиссёр Ф.Сафаров бу сафар ҳам «Травиата» спектакли устида жиддий иш олиб борди. Ўзига хос янгича режиссура талқинида юзага келган постановка яна театр репертуаридан ўрин олди. У томошабинларнинг севимли спектаклига айланди.

Таълим

ЯНГИ ИХТИСОСЛИКДАГИ МУТАХАССИСЛАР

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИДА СОҲА ИСТИҚБОЛЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҲАМ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА. «АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ», «ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ», «АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМЛАРДА АХБОРОТНИ ҚАЙТА ИШЛАБ ЧИҚИШНИ БОШҚАРИШ» КАБИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЯНГИ ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ.

«Мобил алоқа тизимлари», «Ҳисоблаш машиналари» мутахассислигидан амалий машғулотлар йўлга қўйилди. Ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар соҳасида аёл мутахассислар тайёрлашга киришилганлиги ҳам нур устига аъло нур бўлди.

Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш маркази фаолияти янада кенгайди. Айни вақтда ахборот-коммуникация технологиялари бўйича автоматлаштирилган тренинг марказини очиш тараддуди кўрилмоқда.

МЕҲР-МУРУВВАТ КЎРСАТИБ

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИНИНГ ЭНГ ИҚТИДОРЛИ, КАМ ТАЪМИНЛАНГАН, НОГИРОН ЎҚУВЧИЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ «МЕҲР-МУРУВВАТ» ЖАМҒАРМАСИНИНГ ТАШКИЛ ТОПГАНИГА КЎП БЎЛГАНИЧА ЙЎҚ. АММО БУ ОРАДА ЖАМҒАРМА ҚАТОР ИБРАТЛИ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШГА УЛГУРДИ.

Тошкентдаги 9-ихтисослашган касб-ҳунар коллежи ҳам бу ҳимматдан баҳраманд бўлмоқда. Заиф болалар мактаб-интернатлари, битирувчилари таҳсил олаётган бу билим даргоҳида ўқувчиларга бешта йўналишда билим ва амалий кўникма берилмоқда.

«Меҳр-мурувват» жамғармаси ёрдами билан коллежнинг ўқув-моддий негизи ҳам мустаҳкамланди.

БОЛАЛАРБОП НАШРЛАР

Болалар китоблари халқаро ҳафталиги республикамизда ҳам муносиб нишонланди. Шу тадбир муносабати билан болалар ҳаётига бағишланган китоблардан бир нечтаси чоп этилди.

Ўзбек ва рус тилларида чиқарилган бу тўпламлар ўзининг матбаа безаги ва илова қилинган иллюстратив расмлари билан ҳам ёш китобхонлар дидига мос келади.

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чиқарилган бу адабиётлар республикамиз умумтаълим мактаблари кутубхоналарига тарқатилди.

Бундан ташқари, «Саломатлик ва бахт зинапоялари» деган китоб ҳам босма юзини кўрди. «Болалик қуёши» номли тақвим-каталог ҳам тақдим этилди. Бу ҳар икки нашр халқаро Болалар жамғармаси саъй-ҳаракати билан юзага келди.

Акбар АЛИЕВ

Мунажжим башорати

ТАБИАТ ҚЎЙНИДА ДАМ ОЛИНГ

26 МАЙ, ЖУМА

МУНАЖЖИМЛАРДАН М.СМИРНОВА, СВЕТА ДЕНЬ ВА БОШҚАЛАР БУГУН ЮЛДУЗЛАР ЖОЙЛАШИШИ ОДАМЛАРГА УНЧА ХАЙРИХОҲ ЭМАСЛИГИДАН ОГОҲЛАНТИРИШАДИ. УЛАР ФИКРИГА КЎРА БУГУН АЛДОВЛАР, ҚЎРҚУВЛАР ВА ХОМ ХАЁЛЛАР ОДАМЛАРНИ ТАЪҚИБ ЭТИШИ МУМКИН. ШУНИНГ УЧУН, ДЕЙИШАДИ УЛАР, КУННИ ТАБИАТ ҚЎЙНИДА ЁКИ УЙИНГИЗДА, ЛЕКИН ХОТИРЖАМ ВА ТАНҲО ЎТКАЗГАНИНГИЗ МАЪҚУЛ.

Ҳеч қандай янги ишга қўл урманг, ҳеч нарсани режалаштирманг, бирон-бир чора-тадбир кўришдан ўзингизни тийинг. Энг жўн ишлар — рўзғор ташвишлари билан банд бўлганингиз маъқул. Барча ташрифлар ва учрашувларни, йирик харидларни бошқа вақтга қолдиринг,

Орқангиздан кучли шамол урилиши тўғри йўлдан бораётганингизга далилдир. Кун бўйи сизни мусиқа оҳанглари таъқиб этиши ҳам — яхшиликка. Тирноқнинг синиши жанжал ва йўқотишлардан огоҳлантириш бўлади.

Тушларга бугун эътибор қилишнинг ҳожати йўқ. Зеро, улар алдовли ва кўркинчли, аммо пуч бўлади. Башоратлар ҳам ўнгидан келмайди.

Нафас йўллари ва асаб тизими хасталикларга мойил бўлади. Хоналарни тез-тез шамоллатиб туриш мақсадга мувофиқ.

Кийимлардан оқ ва яшил ранглиларини танланг, шунингдек, сариқ ва олтинранг либослар ҳам омад келтириши мумкин. Лекин қора, жигарранг, қизил ва сиёҳранг тусли кийимларга бугунча яқинлашмаганингиз маъқул.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ 2006 ЙИЛ 12 МАЙДАГИ ҚАРОРЛАРИГА АСОСАН ТУГАТИЛГАН КОРХОНАЛАР РЎЙХАТИ

№	Корхона номи	Мақоми	СТИР	Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами		ХТУТ (ОКРО)	Хўжалик судининг қарори рақами ва санаси	
1	INFORMATSION TEXNOLOGIYA RIVOJ VA TADBIQ ETISH MARKAZI	МЧЖ	203785639	03.11.03	2124	18307880	10-0619/5453	12.05.06
2	СКЕЛУМ	ХФ	200512124	04.11.94	358	15356435	10-0619/5454	12.05.06
3	AMORE KOR	МЧЖ	205215592	06.09.04	000508-03	19742856	10-0619/5455	12.05.06
4	LINK FARNAZ	МЧЖ	205355411	26.01.05	000739-03	19883982	10-0619/5456	12.05.06
5	CAPITAL-INVEST	МЧЖ	204099779	10.07.02	709	18585001	10-0619/5457	12.05.06
6	PR AGENTSTVO M-ART	МЧЖ	204545247	16.05.03	916	19097410	10-0619/5458	12.05.06
7	LIGHT STYLE	МЧЖ	204756973	22.12.03	000106-03	19289189	10-0619/5459	12.05.06
8	GHL-TT	МЧЖ	204203964	01.03.05	03-001000	18719878	10-0619/5460	12.05.06
9	SILVER	ХК	203074154	25.12.99	2305	17491321	10-0619/5461	12.05.06
10	SHT-AZIA PAK TRADE	МЧЖ	205456974	17.02.05	000788-03	20001059	10-0619/5462	12.05.06
11	ZULKON-SERVIS	МЧЖ	204680849	24.10.03	03-001205	19234427	10-0619/5463	12.05.06

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Кредиторлар икки ой мобайнида Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 18-уй Миробод тумани ҳокимлигининг махсус комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Носиҳо дарди дилимни билмасанг, маъзурсан,
Чунки билмайдур, бале, соҳилдаги ҳоли ғариқ.
ГАДОИЙ

ҲИКМАТ. Қилинган насиҳат қабул шарафига мушарраф бўлмаса бунинг иллати кўпроқ насиҳатгўйнинг нўноқлигига боғлиқ. Чунки олим комил бўлса, қилаётган ваъзу насиҳатининг остида бирор ғарази бўлмаса, эшитувчининг қабулига муяссар бўлади. Байт:

Насиҳатнинг таъсири бўлмаса ҳеч кишига,
Таажжубмас, дилида ғарази бор кишининг.
Яхши камон бўлса-ю, камонгар уста бўлса,
Ўқи нишонга тегмай қолмас зинҳор кишининг.
Мажидиддин ХАВОФИЙ

Бухл элига демагил, эй зубдаи даврон сўзунг,
Ҳайф этар, қадрини билмай, сифлаи нодон сўзунг.
Комил ХОРАЗМИЙ

Бир ҳаким ўз ўғлига шундай насиҳат қилган экан:

—Эй ўғлим. Қилаётган ишингда кичкина гуноҳ бўлса ҳам уни кичик деб ҳисоблама. Одамларга яхшилик қилишнинг толиби бўл, бу ишингдан сенга фойдалар етади. Кучинг борлиги учун душманни ҳадеб эзаверма, жонидан тўйгач, пайт пойлаб, ўзингни ҳалок этади. Бировнинг ёлғончи эканини билсанг, гапида жон бордир деб, яна унинг гапига чиппачин ишонма! Шубҳали ва гумонли ишларга қўл урма, сўровчини ноумид ҳолда қайтарма. Ўзингга ёқмаган насаларни бировга раво кўрма. Бировга қилинган ҳар бир яхшилик ёки ёмонлик куни келиб ўзингга қайтишини эсингдан чиқарма!

«ЖОВИДОНИ хирад»

Маслаҳат шошмаслик билан, иш эса суръат билан бўлади.

«МАХЗАН ал-улум»

Илм, ҳикмат ўргангин, бўлма мағрур,
Мақтанчоқни шармандаси чиқди, кўр.
Маҳмуд ҚОШҒАРИЙ

Азизим, доно одамнинг хушёрлари ғафлат шаробидан маст бўлган ёшларга насиҳат ва танбеҳ жазосини беришлари муносиб ҳолдир. Билим майдонининг бедорлари эса ахлоқ кўчасидан адашган бехабар кишиларга адаб шапалоғини уришлари лойиқ ишдир. Ҳақиқат юзасидан айтилган ҳақ гап гўзаллар юзидан уят терини оқизсада, шояд улар шу туфайли ўз обрў эътиборлари ҳақида мулоҳаза қилиб, ёмон феълларидан кечишар ва ёмон кишиларнинг суҳбатидан қочишар. Байт:

Терлар чиқди юзингга қилган насиҳатимдин,
Мендан хафа бўлмаган, обрўйингни ўйлайман.
Ёмон билан кам ўтир, десам терга ғарқ ботдинг,
Келажагинг ўйлаб мен ҳақ гапларни сўйлайман!
Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ

Фийсоғурус ҳаким насиҳатларидан сайланма. У айтди:

—Эй азиз, сен доим фозил кишилар билан дўст тутин, уларнинг суҳбатини қидир, ўз нафсингни кўп ейишдан сақла, газабланишдан, кўп ухлашдан, қабиҳ ишларни қилишдан қоч! Ўлимни ҳамиша ёдда тут, шунга қараб иш қил, касбу маишатда ўртача йўл тут.

Яна унинг сўзи:

— Ҳар ким дўст тутишга қодир бўлмаса, душманга қарши иш тутишда ҳам ожиз бўлади. Кишини сўзига қараб эмас, ишига қараб билиш мумкин!

«ЖОВИДОНИ хират»

Ўрганишни истамаган кишига насиҳат қилма!
Аҳмоққа насиҳат айлаган инсон,
Шўр ерга уруғни ташлаган симон!

«ОТАЛАР сўзи»

Форс донишмандларидан Барзу ал-Ҳаким насиҳатлари. У ёзади: «Ҳар бир нарсанинг пайдо бўлиши учун бир сабаб бўлади. Шунинг учун нимаики пайдо бўлган бўлса, аввало унинг сабабини қидирмоқ лозим, яхши ҳаёт кечириш сабаби—муроса, сирнинг ошкор бўлмаслик сабаби—бировларнинг сирини очмасликда, иффат сабаби— ўзгаларга ёмон ният билан кўз тикмасликда, гина сабаби— бадфеъллик, дўстлик сабаби—очиқ юзлилик, жудолик сабаби—азоб, адоват сабаби—хилоф, хорлик сабаби—таъма, иззат сабаби—қаноат, нажот сабаби—ростлик!»

«ЖОВИДОНИ хирад»

Насиҳатчининг калтаги ёмон саломидан афзал.

«ОТАЛАР сўзи»

Искандар Юнон заминидан сафарга отланар экан, устози Арастолистга қараб деди: «Менга насиҳат бер!» Арастотолист унга деди: «Илм ўрган, ҳар қандай илмни ўрганишдан ор қилма!» Байт:

Ўқишдан тийилма, ўғлим, бир замон,
Бесаводлик ўти куйдирар ёмон!

Агар обрў ва шарафим зиёда бўлсин десанг, ҳақ нарсани ноҳақ дема. Агар равнақ топай десанг, ўз фойдангни ўйлаб иш тутма. Ўз айбингни кўришга урин, айбли киши доим хижолатда бўлади. Кимки сени айбингдан огоҳ қилса, унга ғазабингни сочма, балки уни хурсанд қил!

«МАҲЗАН ал-улум»

ҲАКИМЛАР ПАНДНОМАСИ

Келтирибдурларки, Искандар Зулқарнайн кунлардан бир кун Арасту, Афлотун ва Букротга ҳикматли сўзларни ўз ичига олувчи бир «панднома» ёзишни буюрди. «Мен уларни ўқиб,—деди Искандар,—саволимга жавоб топиб, бошимга тушган мушкул ишларимни ҳал қила олай!»

АРАСТУ ПАНДНОМАСИ

Эй Искандар, дилингни илм билан обод қил, илмсиз кишилар билан суҳбат қурма, умрингни бехуда ўтказма, муваффақиятларингга мағрурланма, ҳасадчиларни уйингга киритма, сийнангни гина-кудуратдан ҳоли тут, бировга нисбатан гина сақлама, ёмонлик қилишдан қоч, яхшилик қилишга интил, яхши кишиларни яхши сўз ва яхши ҳадялар билан сарафроз қил, тарбия таъсир қилмайдиган кишилар билан яқинлик қилмагинки, бўри ёки илон ахён-ахёнда зарар етказади, аммо зарари ҳалокатли бўлади.

Эй Искандар, биров билан маслаҳатлашадиган бўлсанг ақлли ва доно кишиларни топиб маслаҳатлаш, олийҳиммат кишилардан ёрдам сўра. Ҳар бир масалани шу масалани тушунган ва шу масалага дахли бор одамлар билан биргаликда ҳал қил, пастҳиммат кишилардан ҳеч вақт яхшилик ҳосил бўлмайди.

Эй Искандар, қўпол кишиларга қўполликни «ҳадя» қил, куч ва тадбир билан қўлга тушириб бўлмайдиган душманни мулойимлик ва ширин сўзлик билан ўзингга мойил эт, бирор ерга элчи юбормоқчи бўлсанг айтмоқчи бўлган масалангни чуқур биладиган ва шу масалада билимга эга бўлган кишини юбор, акс ҳолда ишларинг бузилади.

Эй Искандар, мақтовларга учма, қўли очиқ ва соховатли бўл, бирор ерга етсанг у ердаги синалмаган сувлардан ичма, бирор ерда нотаниш мевага дуч келсанг, унинг фойда, зарарини билмай туриб ема!

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган





МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА «ПАХТАКОР» ҲАҚЛИ РАВИШДА РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ЖАМОАСИГА АЙЛАНДИ. ОЛТИ БОР МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНИ, ЕТТИ КАРРА БИЛЛУР СОВРИННИНГ СОҲИБИ БЎЛГАН ПОЙТАХТ КОМАНДАСИ ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИДА ҲАМ КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК ЭТИБ КЕЛМОҚДА. БУНДА ЮРТБОШИМИЗНИНГ МАМЛАКАТ ФУТБОЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ЖУМЛАДАН, «ПАХТАКОР» ЖАМОАСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ҚАТОР ФАРМОНЛАРИ ВА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ ҲАМ КАТТА ЎРИН ТУТДИ, АЛБАТТА. 1994 ЙИЛДА ОСИЁ ЎЙИНЛАРИНИНГ ҒОЛИБИ БЎЛГАН МАМЛАКАТИМИЗ ТЕРМА ЖАМОАСИНИНГ АСОСИНИ М.ҚОСИМОВ, Ш.МАҚСУДОВ, Ф.МАГОМЕТОВ, А.АБДУРАИМОВ, И.ШАРИПОВ, И.ШКВИРИН КАБИ ПАХТАКОРЧИЛАР ТАШКИЛ ЭТГАНЛИГИНИ МУХЛИСЛАР ЯХШИ БИЛИШАДИ.

ЎТГАН ЙИЛДА ҲАМ МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНИ БЎЛГАН, ҲАМ КУБОКНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН «ПАХТАКОР» ЎЗ ТАРИХИДАГИ ЭЛЛИГИНЧИ ЮБИЛЕЙ МАВСУМИНИ ҲАМ ЧЕМПИОН СИФАТИДА ЯКУНЛАШГА ҲАРАКАТ ҚИЛМОҚДА. БИЗ «ПАХТАКОР»ГА БУ ЙЎЛДА МУВАФФАҚИЯТ ЁР БЎЛИШИНИ ТИЛАГАН ҲОЛДА МУХЛИСЛАРГА ЯНА БИР КАРРА ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗКИ, БУГУН «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА ЖАМОАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН, В.ХАДЗИПАНАГИС, А.ЯКУБИК, А.ПЯТНИЦКИЙ КАБИ КЎПЛАБ ЯҚИН ВА УЗОҚ ХОРИЖДАН ТАКЛИФ ЭТИЛГАН СОБИҚ ПАХТАКОРЧИЛАР ИШТИРОКИДА КАТТА ФУТБОЛ БАЙРАМИ ЎТКАЗИЛАДИ. СТАДИОНГА КЕЛСАНГИЗ ФАХРИЙ ФУТБОЛЧИ ВА МУРАББИЙЛАР ПАРАДИДАН БАҲРАМАНД БЎЛИБ, ЎЗБЕК ЭСТРАДАСИ ЮЛДУЗЛАРИНИНГ ЭНГ САРА ҚЎШИҚЛАРИНИ МАЗЗА ҚИЛИБ ЭШИТИШИНГИЗ МУМКИН. СЎНГ ЭСА МОСКВАНИНГ «ТОРПЕДО» ВА «ПАХТАКОР» ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДА ҚИЗИҚАРЛИ ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ ЎТКАЗИЛАДИ. («ТОРПЕДО» ТАРКИБИДА СОБИҚ ПАХТАКОРЧИ А.ГЕЙНРИХ МАЙДОНГА ТУШАДИ). БУНДА ТАЛАБГОР ЖАМОАЛАР КЎПЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТГАН БЎЛСА-ДА, «ТОРПЕДО» КОМАНДАСИ БЕЖИЗ ТАНЛАНМАГАНЛИГИНИ АЙТИБ ЎТИШ ЎРИНЛИ. ЗЕРО, «ПАХТАКОР»НИНГ ОЛИЙ ЛИГАДАГИ БИРИНЧИ ЎЙИНИ ҲАМ, 1968 ЙИЛДА КУБОКНИНГ ФИНАЛ БАҲСИ ҲАМ «ТОРПЕДО» БИЛАН КЕЧГАН ЭДИ.

50 YIL

«ПАХТАКОР» — ҒАЛАБА БЎЛСИН СЕНГА ЁР!

Дарҳақиқат, «Пахтакор» футбол жамоасини нафақат яқин, балки узоқ хориж мамлакатларида ҳам яхши билишади. Зеро, жамоа ташкил этилган илк даврларда ҳам тез-тез хорижий мамлакатларига сафар уюштириб, кучли жамоалар билан кўпинча тенгма-тенг ўйнаб, ўзбек футболи довруғини жаҳонга таратарди. Дарҳақиқат, зарбасининг бениҳоя кучлилигидан жарима тўплари тепаётганида ҳатто маъноман деган дарвозабонлар ҳам қалтирайдиган Геннадий Красницкийнинг Жанубий Америкадаги учрашувлардан бирида даҳшатли зарба билан дарвозанинг тўрини тешиб юборгани ҳам рост. Станислав Стадник, Биродар Абдураимов, Акмал Азизхўжаев, Олег Моторин, Юрий Беляковларнинг бетакрор маҳорати хорижлик ишқибозларни лол қолдиргани ҳам ҳақиқат. Ишқибозлар Б.Абдураимов, М.Ан каби пахтакорчиларнинг бурчак тўпини тепиш орқали дарвозани тўғридан-тўғри забт этганликларини ҳам яхши эслашади.



Юқорида таъкидлаганимиздек, 1956 йилда ташкил этилиб, дарҳол ўзбек футболининг етакчи жамоасига айланган, кўпдан-кўп футбол юлдузларини тарбиялаб етиштирган, бир оз муболаға билан айтганда юртимиз футболи довруғини етти иқлимга ёйган «Пахтакор» жамоаси эллик ёшга тўлди. «Мозийга қайтиб иш кўриш хайрли», деганларидек ушбу қутлуғ кунларда биз ҳам эл севган машҳур жамоамизнинг ташкил этилиши тарихи ва унинг дастлабки қадамларини ёдга олишга ҳаракат қилдик.

Гарчи пойтахт футболининг тарихи ўтган асрнинг 16-йилларидан бошланиб, ўшанда шаҳарда биринчи стадион қурилиб, илк команда ташкил этилган бўлса-да, кейинги йилларда ҳам Тошкент футболи ўзига хос ютуқларга эришганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан, 1920 йилда дастлабки Ўрта Осиё Олимпиадаси уюштирилган бўлиб, ўшанда пойтахт терма жамоаси ғолиб чиққанлигини футбол ишқибозлари яхши билишади. Ўша йилларда шаҳарда «Политот», «Эски шаҳар», «Металлист» каби жамоалар ташкил этилган эди. 1937 йилда эса пойтахтнинг «Динамо» жамоаси собиқ иттифоқ чемпионатининг «Г» гуруҳида қатнашган, сўнг «Спартак» ва ОДО жамоалари фаолият кўрсатган бўлса-да, улар тилга олишга арзигулик муваффақиятларни қўлга кирита олишмади. 1956 йилнинг август ойида шаҳар марказида 60 минг кишилик ўша пайтлардаги барча талабларга жавоб берувчи чиройли «Пахтакор» стадиони фойдаланишга топширилганидан сўнг ва ўша йили қишда «Пахтакор» футбол жамоасининг ташкил этилиши билан ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ўзбек футболида аста-секинлик билан улкан кўтарилиш бошланди.

1956 йилнинг бошларида Тошкентга москвалик мутахассис — таниқли мураббий Владимир Бехтенев «Пахтакор» жамоасини шакллантириш мақсадида таклиф этилади. У ягона тўғри йўлни танлаб жамоани четдан «гастролчи» ўйинчиларни таклиф этиб эмас, балки пойтахтдаги мавжуд командалардан энг кучли футболчиларни жамлаган ҳолда шакллантира бошлади. Янги жамоанинг асосини асосан спартакчилар ташкил этган бўлса-да, бироқ «Динамо», «Пишчевик» ва ОДО командаларидан ҳам баъзи ўйинчилар таклиф этилганлигини қайд этиб ўтиш жоиз.

«Пахтакор» ўзининг машғулотларини ва илк ўртоқлик учрашувларини ҳали марказий стадион битмаганлиги сабабли Эски шаҳардаги машҳур «Спартак» стадионида ўтказар эди.

Ўша мавсумда «Пахтакор» собиқ иттифоқ чемпионатининг «Б» класси жамоалари қаторидан ўрин олганди ва биринчи расмий ўйинни «Спартак» стадионида ўтказганди. Қуйида ушбу тарихий ўйиннинг қайдномасини келтириб ўтамиз.

1956 йил, 8 апрель, «Б» класси. Тошкент. «Спартак» стадиони.

«Пахтакор» — Пермь шаҳри командаси — 1:0.

«Пахтакор» жамоасининг таркиби: П.Волостнов, А.Азизхўжаев, А. Козенков, В.Виткалов, И.Тазетдинов, Қ.Муқимов, Я.Капров, Л.Мақсудов, В.Канунников, А.Мурашов, М.Боркин.

Тўпни 44-дақиқада 11 метрлик зарбадан Лазиз Мақсудов киритди. Жамоанинг дастлабки сардори эса моҳир ҳимоячи Анатолий Козенков эди. Шу йилнинг 28 июнида эса «Пахтакор» ўзининг дастлабки халқаро учрашувини ўтказди. Эфиопия терма жамоаси билан кечган ушбу қизиқарли учрашувда «Пахтакор» 3:0 ҳисобидаги йирик ғалабага эришди. Қизиғи шундаки, ўйинда барча тўпларни В.Канунников киритиб, хет-трикка эришди.

Албатта, «Б» классида бўлса-да, илк мавсум янги жамоа учун осон кечмади. Ўйинчилар бир-бирига мослашиши, мураббийлар билан тил топишишлари учун бирмунча вақт талаб этиларди. Шу сабабдан «Пахтакор» ўз тарихидаги дастлабки мавсумда 13-ўрин билан кифояланишга мажбур бўлди.

Қуйида «Пахтакор»нинг ўша йилдаги чемпионатда яшил майдонга тушган ўйинчилари тўғрисидаги статистик маълумотларни келтириб ўтамиз. А.Козенков — 32 та ўйинда майдонга тушган. А.Азизхўжаев— 32, И.Тазетдинов 31 ўйин (2 та гол), Қ.Муқимов — 30 (5), А.Мурашов — 20(6), М.Боркин — 28(11), Л.Мақсудов — 27(7), О.Моторин — 26 (1), В.Виткалов — 26, П.Волостнов (дарвозабон) — 25 (ўз дарвозасидан — 33 та тўп ўтказиб юборган), В.Канунников — 21 (5), Ю.Уоков — 19 (5), В.Шеффер — 11(2), О.Жмак — 9 (20), Я.Капров — 7, А.Содиқов — 7, В.Трошин — 5, Н.Ўшков — 2.

1957 йилги мавсумни «Пахтакор» янги бош мураббий Юрий Ходотов етакчилигида бошлади. Мавсум ўрталарида Ходотовнинг муайян сабабларга кўра жамоани тарк этганидан сўнг бош мураббийликка Лев Ольшанский тайинланади. Ушбу мураббийнинг куюнчаклиги, бой маҳорати сабабли «Пахтакор» аста-секин оёққа туриб ўз қиёфаси, ўйин услубига эга бўла бошлади. 1957 йилда ҳам Михаил Боркин 11 та тўп билан яна жамоанинг энг сермаҳсул ҳужумчиси бўлди. Олег Моторин, Идгай Тазетдинов, Акмал Азизхўжаевларнинг ўйинлари анча «очилди». Бу гал жамоа чемпионатда ўнинчи ўринни эгаллади.

Айтиш мумкинки, 1958 йилги мавсум «Пахтакор»нинг оёққа туришида ҳал қилувчи ўринга эга бўлди. Зеро, шу йили жамоа таркибига кейинчалик олий лигада ҳам ажойиб ўйинлар кўрсатган бетакрор маҳорат соҳиби, жуда кучли зарбага эга ҳужумчи Геннадий Красницкий ҳамда моҳир дарвозабон Борис Климовлар қўшилди.



Катта футболга худди Пеле, Эдуард Стрельцов каби яшиндек чақмоқ чақиб кириб келган Красницкий 18 ёшда бўлишига қарамай ўзининг илк мавсумида 25 та ўйинда 12 та тўп киритиб, жамоанинг энг сермаҳсул ҳужумчисига айланди. Ҳимоя чизиғида А.Азизхўжаев, В.Виткалов, А.Козенковнинг ишончли ўйини, Л.Мақсудов, О.Моторинларнинг ярим ҳимояни мустаҳкамлашлари, ҳужум чизиғида С.Власов, И.Тазетдиновнинг маҳсулдор тўп суриши туфайли 1958 йилги мавсумда «Пахтакор» фахрли тўртинчи ўринга кўтарилишга муваффақ бўлди. Шу йилда жамоанинг мамлакат Кубогининг чорак финалига йўлланма олиши ҳам катта муваффақият эди.

1959 йилги мавсум ҳам жамоа учун анча яхши кечди. Бу гал ҳам команда ўзагини ташкил этувчи ўйинчиларнинг маҳорат билан тўп суриши орқали «Пахтакор» «Б» классида яна тўртинчи ўринни эгаллади. Красницкий ушбу мавсумда яна 12 та тўп билан команданинг энг сермаҳсул ўйинчиси бўлди.

1960 йилда олий лига жамоалари сонининг оширилиши муносабати билан «Пахтакор» Қозоғистоннинг «Қайрат» жамоаси билан бирга энг кучлилар сафидан ўрин олди. Шу йили команда таркибига Ю.Беляков, Ю.Пшеничников каби иқтидорли чарм тўп усталари келиб қўшилдилар. Кейинчалик футболда катта зафарлар қучган Б.Абдураимов эса ўша йили 17 ёшда бўлишига қарамай олий лигада 9 ўйинда майдонга тушиб, уч бор рақиблар дарвозабонини доғда қолдиришга муваффақ бўлди. Таъкидлаш жоизки, ушбу мавсумни «Пахтакор» «Қайрат» жамоаси билан ўтказилган ўйин орқали чиройли тарзда якунлаб, 3:0 ҳисобидаги йирик ғалабага эришди ва бунда икки тўпни бўлғуси футбол юлдузи ва бетакрор бомбардир Абдураимов киритди.

Қуйида «Пахтакор»нинг олий лигадаги дастлабки тарихий ўйини тафсилотлари билан таништириб ўтамиз.

1960 йил, 9 апрель, олий лига.

Тошкент. «Пахтакор» стадиони.

«Пахтакор» — «Торпедо» (Москва) — 0:1.

«Пахтакор» таркиби: Ю.Пшеничников, А.Азизхўжаев, А.Козенков, В.Суюнов, С.Семёнов, В.Тожиров, Н.Тимохин, О.Моторин, Г.Красницкий, И.Тазетдинов (сардор), Л.Феофанов.

Тўпни 33-дақиқада В.Иванов киритди.

Шу ўринда айтиш керакки, мазкур мавсумда ўша вақтлардаги энг кучли жамоалардан бири бўлмиш «Торпедо» таркибида Валерий Воронин, Валентин Иванов, Слава Метревели, Виктор Шустиков, Николай Маношин каби машҳур футболчилар тўп сурарди. «Б» классидан чиққан жамоанинг шундай номдор командага қарши деярли тенгма-тенг тўп суришининг ўзиёқ олий лигада янги ўзига хос жамоанинг пайдо бўлганидан дарак берарди.

13 май куни эса «Пахтакор» олий лигадаги дастлабки ғалабани қўлга киритди. Шу куни севимли жамоамиз Харьковнинг «Авангард» жамоасини 2:0 ҳисобида енгди. Командани энг кучлилар сафидаги биринчи тўпини эса Г.Красницкий дарвоза тўрига туширишга муваффақ бўлди.

Бир сўз билан айтганда дастлабки ўйинларидан бошлабоқ Красницкий — Стадник ҳужумчилар жуфтлиги мухлисларни ўз уйғунлиги билан лол қолдира бошлаган олий лигадаги илк мавсумни «Пахтакор» ўн тўртинчи ўринда якунлади. Олий лигада ўтказилган 29 ўйинда 19 та тўп киритган Красницкийнинг эса мамлакатнинг энг сермаҳсул ҳужумчиси бўлишига оз қолди.

1961 йилги мавсумда «Пахтакор» кучли ўнликдан жой олди. 1962 йилги мавсум ишқибозлар ёдида узоқ вақт қолади. Ю.Пшеничников, В.Қаххоров, М.Шарипов, В.Тожиров, И.Тазетдинов, О.Моторин, В.Суюнов, Г.Красницкий, Ю.Беляков, Б.Абдураимов, Х.Раҳматуллаев, И.Малиновский каби чарм тўп усталарининг маҳорати ила ўша йили «Пахтакор» олий лигада фахрли олтинчи ўринни эгаллади. Олий лигада ўтказилган дастлабки уч мавсумда жамоанинг бош мураббийси Александр Келлер бўлди.

«Пахтакор»нинг шонли тарихи ана шундай дадил қадамлар ила, юқорида тилга олинган футболчиларнинг саъй-ҳаракатлари билан бошланган эди...

Дилшод ИСРОИЛОВ

СУРАТЛАРДА: ҳужумда бугунги «Пахтакор»; 1960 йилги «Пахтакор» жамоаси футболчилари; 1965 йилда «Пахтакор» ва «Торпедо» (Москва) жамоалари ўртасида ўтказилган ўйинда Геннадий Красницкий (ўнгда) ҳужум уюштирмоқда; 1957 йилда ўтказилган «Пахтакор» — «Қайрат» (Алмати) беллашуви. Чапда Владимир Тихонов ва тўп сари интилаётган пахтакорчи Станислав Семёнов; 1962 йилда Россиянинг «Зенит» жамоаси билан ўйинда пахтакорчи Игорь Маликовский (ўнгда) зарба бермоқда.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 706

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
3162 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6